



Тасвир

Совет Социалистик Республикалари

Иттифоқи Президентининг

ФАРМОНИ

ИШЧИ КОЛОННАЛАРИГА САФАРБАР ЭТИЛГАН СССР
ФУҚАРОЛАРИНИ «1941-1945 ЙИЛЛАР УЛУҒ ВАТАН
УРУШИДАГИ ШАВКАТЛИ МЕҲНАТИ УЧУН» МЕДАЛИ
БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Тарихий адолатни тиклаш мақсадида ва 1941-1945 йилларда Улуғ Ватан уруши даврида ғайри қонуний тарзда зўравонлик билан кўчирилган немислар ва бошқа халқлардан иборат СССР фуқаролари ишчи колонналарига сафарбар этилиб, улар ўзларининг ҳалол меҳнатлари билан урушда ғалаба қозонишга кўшган ҳиссаларини эътиборга олиб, СССР Олий Кенгашининг 1989 йил 14 ноябрдаги «Зўравонлик билан кўчирилган халқларга қарши қатли ом ҳаракатларини ғайриқонуний ва жиноий деб топиш ҳамда уларнинг ҳуқуқларини таъминлаш тўғрисида»ги Дек-

ларацияга амал қилиб, СССР Конституциясининг 1273-моддасининг 12 бандига асосан қарор қилмаман:

1. Ишчи колонналарига сафарбар этилган СССР фуқаролари «1941-1945 йиллар Улуғ Ватан урушидаги шавкатли меҳнати учун» медали билан мукофотлансин.

Медалини мукофотланган киши яшайдиган ердаги халқ депутатлари шаҳар ва район Советлари ижроия комитетлари унинг ишчи колонналаридаги ҳалол меҳнатини тасдиқлайдиган ҳужжатлар асосида СССР Президенти номидан топширадilar.

2. СССР Ички ишлар вазирлиги ва СССР Мудофаа вазирлиги фуқароларга ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетларига «1941-1945 йиллар Улуғ Ватан урушидаги шавкатли меҳнати учун» медали билан мукофотлашга тақдим этиш учун зарур ҳужжатларни тайёрлашда кўмаклашсинлар.

3. Жумҳуриятларнинг ҳукуматлари, халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари мазкур фармонга мувофиқ мукофотланганларга фидокорона меҳнати ва Улуғ Ватан уруши йилларида фронт ичкарасида бениҳсон ҳарбий хизмат ўтаганлиги учун давлат мукофотларига сазовор бўлган фуқароларга кўзда тутилган ва қонунда белгиланган имтиёзлар берилишини таъминласинлар.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Президенти

М. ГОРБАЧЕВ.

Москва, Кремль.
1991 йил 21 июнь.

Автомат-ўйинчоқ эмас



Учқўрғон туманидаги 3-хунар-техника билим юртидан иккита ўқув автомати ва бир ўқдон ўғирлангани ҳақидаги хабар шошилинч оператив гуруҳ тузишни тақозо этди. Вақт ганимат. Агарда бу қуроллар ишлагилса, ўнлаб жиноятлар, бахтсизликлар рўй бериши мумкин.

Қўрилган тезкор чоралар туфайли 1973 йилда турилган Э. Илҳом қўлга олинди. У ушбу ўғирлик Уш вилоятдан келган Одил ва Олим исмли шахслар томонидан қилинганлигини таъкидлади.

Туман ИИБ ходимлари фурсатни бой бермай Уш вилояти Тўхтагул тумани милицияси билан боғланишди. Ҳамкорликда 1973 йилда турилган Ойбек Н. ва Иброҳим Э.ларни ушлашди. Терговда маълум бўлишича, қуроллар турган хона чизмаси ва уни қўлга тушириш режасини 1967 йилда турилган Тўхтагул қўрғонидан яшовчи О. Абсаломов тузган.

Ўмарилган қуролларни олган О. Абсаломов ҳамтовари Н. Мамитов билан аввал «Ола-Бел» дўконига тушиб, у ердан «Сонио» ва «Фишер» япон магнитофонлари, қимматбаҳо буюмларни гумдон қилишди.

Қўлидаги қуролидан ўзларида қандайдир куч сезган йигитлар фуқаро А. Мадраҳимовнинг уйига бостириб киришди.

Дастлабки терговдаёқ йигитлар ўғирланган буюмларни сотиб олган шахсларни ва моллар яшириб қўйилган манзилгоҳларни айтиб беришди.

Б. ХОЛМАТОВ,
Сураатларда: ўғирланган ўқотар қуроллар.

Бизни ҳам аёл тукқан



Ҳозирги кунда барча ички ишлар ходимларини бир савол қийнайди. Қандай қилиб халқ меҳр-муҳаббатига сазовор бўлиш мумкин? Мен туман ИИБ бошлиғи вазифасига яқинда — шу йил 26 март кун тайинландим. Табиийки, энди мени юқоридаги савол икки томонлама — ҳам милиция ходими, ҳам бошлиқ сифатида ўйлантиради.

Отанинг қулоғимга ўрнашиб қолган насихатлари туртки бўлди. «Ўғлим, агар қонунга хилоф бўлмаса, минг бир иложини қидириб топгин-у, одамларга фақат яхшилик қил. Яна шу нарсани унутмагинки, милиция фуқароларни жазоловчи эмас, аввало тарбиялайдиган, ёрдам берадиган идора бўлиши керак», — дегандилар у киши.

Ҳамон эсимда, ёшлик пайтимизда бирор болакай хархаша қилса ёки вақтида ухلامаса, ана мелася келаяпти, деб қўрқитишарди. Шундай қилиб муррак тасаввурда милиция ходимларига нисбатан келишимовчилик,

ишончсизлик ва ҳадик пайдо бўларди. Айрим жойларда ҳозир ҳам шундай. Лекин милиция формасини ҳисобга олмаса, ички ишлар ходими ҳам ҳамма қатори оддий одам, уни ҳам аёл, она тукқан. Буни халққа тушунтириш керак. Ана шу ўринда вилоят ИИБ бошлиғи милиция генерал-майори Р. Абдуллаев маслаҳатлари иш фаолиятимда асқотаяпти. Ўтган рўза ҳайитида бир кунда кўпчилик бўлиб 47 та хонадонга кириб, ҳамма қатори фотиҳа ўқидик. Одамлар кўришди милиция ходимларининг формада юриб халққа яқин бўлишга тилини. Келгусида бунга яна давом эттирмайлик. Формада юрганда кўпчиликка аралашиндан, халқнинг яхши ёмон кўнларида бирга бўлишдан чўчмаслик керак. Бу кўни фойда.

Яна бир яхши ишчимиз ИИБ учун махсус ёқилғи қуйиш тармоғи қурганимиздир. 10 тонналик сизимга эга бўлган бу объект яқин кўнларда ишга туширилади. Бунинг аҳамиятли томони шундаки, энди милиция ходимлари бошқа жойларда навбат кутмайдилар ёки навбатсиз ёқилғи олишга ҳаракат қилиб, бошқаларнинг асабига тегмайдилар.

Шу ва шунга ўхшаш тадбирлар туфайли халқимиз бизни ўз осойишталиклари

посбони сифатида таний бошладилар. «Партия XX съезди» (ранси Жўрақўзи Алибоев), Алишер Навоий номи (ранси Шерхон Турсунов), «Октябрь» (ранси Олимжон Уринов), «Коммуна» (ранси Валижон Деҳқонов) каби қатор жамоа ҳўжаликлари мушкул муаммоларини мизни ечишда ёрдам бермоқда. Улар участка вакилларини улов ва рақия билан таъминлашга ҳаракат қилмоқдалар.

Бу бўлимда ҳеч қанақа муаммо қолмабди, деган маънони билдирмайди. Аксинча, муаммолар жуда кўп. Лекин ҳаммасининг илдизи битта. У ҳам бўлса, қўлнинг калталиги. Мисол учун айтганда, техникаларимиз ёмон, компьютер, камерали телевизорларимиз йўқ. Навбатчилик қисмига ажратилган машинамиз бузуқ, эҳтиёт қисм топилаётганлиги сабабли бекор ётибди. Шунингдек, ДАН ходимларимизда мавжуд бўлган битта тезлик ўлчовчи асбоб — радар ҳам яроқсиз ҳолга келиб қолган. Ҳаттоки, туман марказида атиги иккита светофор бор. Бунинг учун ҳам турли ташкилотларга бориб, илтимос қилишга мажбур бўлаёмиз. Чунки чўнтак қуруқ бўлган учун ўзга илож топиламаяпти. Шу ўринда битта таклифни ўртага ташламоқчи эдим. Фақатгина бизнинг ту-

манимизда ДАН ходимлари қондабузар ҳайдовчилардан ундирган жарима 700—1000 сўмни ташкил этади. Агар ана шу мабларнинг атиги 40 фоизи ИИБда қолдирилганида, юқоридаги эҳтиёлларни қоплаш имкони яратилган бўларди.

Биз ҳозир иқтисодий мустақиллик сари интилаётган жумҳуриятда яшаймиз. Шундай экан ҳар биримиз ташаббускор ва дадил бўлишимиз, илгор тажрибаларни қўллаб-қувватлашга ўрганишимиз даркор. Баъзи ҳолларда ана шу нарсаларга эриша олмаёмиз. Мен банкда милиция учун алоҳида жамагарма очилиши ўртага ташлаганимда, туман фирқа ва ижроия қўмиталари фикримни маъқуллашди. Лекин бу ташаббус банк бошлиғи Валижон Солиев томонидан тўхтатиб қўйилди. Унинг фикрича, бунинг учун вилоят ИИБ раҳбари аралашши керак эмаш. Қачонгача баъзи раҳбар ўроқлар бюрократик курсини тарк эта олишмайди — ҳайронман.

Лекин шуни ҳам қўшиб айтиш керакки, муаммолар кўп экан, дея қўл қовуштириб ўтирганимиз йўқ. Айниқса, оператив навбатчи милиция капитани Ҳабибулла Жўрабоев, ЖКБ опервакили милиция катта лейтенанти Алишер Сатторов, терговчи милиция подполковниги Бурҳонжон Тоштемуров, ҳуқуқ-бузарликнинг олдини олиш бўлинимаси бошлиғи милиция капитани Анваржон Турсунов ва бошқа сафдошларимиз ўз бурчларини сийдирилдан бажармоқдалар. Ўйлайманки, келгусида ҳамма режаларимиз амалга ошади.

Нурқиддин АҲМЕДОВ,
Бувайда тумани ИИБ бошлиғи милиция майори.

ЎСМИР ВА ҚОНУН

Катталарни алдананг, болалар!

Нексаларнинг гапига қарганда бу бино авваллари карвонсарой вазифасини ўтаган. Мусофирлар, йўловчиларга хизмат қилган эгалари диёнати, ҳалол ва сахий кишилар бўлишган. Шу сабаб карвонсаройда бирор марта ўғирлик ёки бошқа хунук воқеалар юз берганини ҳеч ким эслолмайди.

Ҳозир бу ерда Самарқанд вилояти ИИБ вояга етмаганларни қабул қилиш ва тақсимлаш муассасаси жойлашган. Албатта, шунча йиллар мобайнида иморатга озгина ўзгаришлар киритилган.

Биз ҳовлига кириб борганимизда 6 нафар бола курсида тизилиб ўтиришарди. Энг кичиги 6 ёшли Бобур, қолгандари 11-12 ёшли болакайлар.

Уларга қараб юрагим зирқирайди. Чунки уларнинг орасида ўғирлик қилганлар, болалар уйдан қочганлар бор. Бундан кейинги тақдирлари қандай кечиши ҳақидаги ўйлар мени эзади. Ҳар бирига қандайдир бир нарса етишмаётгани биллиниб туради. Эҳтимол, бу оилада йўқолган меҳр, садоқатдир ёки ичкилик оқибатида бузилган ҳаловатдир, балки отасизлик, онасизликдир.

Бобурга қараб бир-икки оғиз гапирай дейман-у, унинг кўзларидаги оғриқни кўриб гапиролмайман. Гўёки, гапларим унинг мурғак қалбини таҳқирлайдигандек туюлади.

Саша, Дима, Аликлар ўғирлик қилгани учун бу ерга келтирилган. Обид болалар уйдан қочиб келган. Руслан эса шунчаки саргузашт ишчибози.

Узун йўлак бўйлаб болалар ётоқхонасини кўздан кечираман. Деворларда манзарали суратлар осибди. Хоналар озода, ҳар бир каравотда оппоқ чойшаб, оёқ остига пиламчалар тўшалган.

Баъзан шундай болалар келтириладики, оппоқ кўрпа-тўшаклардан кўрқиб олдиди. — дейди муассаса бошлиғи милиция майори Насриддин Содиқов. — Биз уларга барча қўлайликларни яратишга ҳаракат қиламиз. Аммо бу тоза, оппоқ чойшаб ўз уйдига кирчир, қуроқ кўрпа-тўшакнинг ўрнини босолмайди. Улар оила дилбанди ва шу муҳитда яшаши, камол топиши керак.

Бу даргоҳга қизлар ҳам келтирилади. 13-14-15 ёшли қизалоқлар аксариятининг ахлоқи бузилган, баъзилари тери-таносил касалликларини юқтириб улгурган. Биз имкони борича бир ой ёки ичда тарбиявий ишлар олиб борамиз. Қўлимиздан келган ҳа-



ракатимизни қиламиз. Яна бир қийин томони шундаки, ҳозирги ёшлар панд-насиҳатларни ғазаб билан қабул қилишади. Биласизми, мен уларга чин юракдан ачинаман. Уларнинг тақдир ҳавас қиларлик эмас. Боиси кўпчилиги ёшиқ мактабларга жойлаштирилади.

Мана бу ерда кичкина бўлса ҳам музейимиз бор.

Бошлиқ таъинлаган музей оstonасидан қизқисиниб ҳатладим. Кичкина, муъжаз хонада болаларнинг қўли билан ишланган «Тиллакори», «Шердор», «Улуғбек» мад-расалари. Жуда нозик дид билан ишланган, ҳаттоки жим-жимадор нақшларни ҳам ўхшатишга тиришилгани сезилиб турибди. Шунчалик истеъдодли болаларнинг ўғри, эърабон, муштумзур, дайди бўлганларига ишонгинг келмайди. Ахир, уларнинг қалбига гўзалликни сезиш туйғулари ҳали сўлмаган экан. Демак уларни тўғри йўлга қайтариш мумкин. Махсус ёшиқ мактабларда эса истеъдод куртаклари ҳар қалай оддий шароитдагидек иш уролмаеса керак.

Насриддин ака, мана шу йилнинг 3 ойи мобайнида 31 бола келиб кетибди. Сиз муассаса бошлиғи сифатида йиғилишларда ушбу масалани кўтариб чиққанмисиз?

— Ҳа, мен ўзим қатнашган йиғилиш, мажлисларда бевосита болалар билан ишловчи бўлим ва бўлимлар ходимлари диққатини мажмур муаммоларга қаратишга ҳаракат қиламан. Юқоридаги 31 нафар боланинг бу ерга келтирилиш сабаблари таҳлил қилиниб, шаҳар, туман ИИБга 54, партия ва шўро идораларига 18 та хат юз-натдик. Йил бошидан 122 нафар ўсмирларнинг ҳаёти, таржимаи ҳоли, у ёки бу жиноятга қўл уриши ўрганилиб, вилоят ижрокўмидан тортиб, кўрғон шўроларига, ота-оналарнинг иш жойларига 200 дан ошиқ тақдимномалар юбордик. Афсуски, кўпчилик ҳолларда қандай чоралар кўрилганлиги ҳақидаги маълумот бизга қайтиб келмайди.

Баъзи ИИБлардаги вояга етмаганлар билан мунтазам ишлаши лозим бўлган ходимлар ўзларидан масъулиятни соғит қилиш учун «тарбияси оғир» деб хулоса чиқаришадиди, уларни махсус мактабларга расмийлаштиридилар. Биз шундай қарорнинг 2 тасини асосиз деб топдик. — Айтингчи, дейлик, болалар ичидан жиноятчиларни аниқлаш, уларни тоифаларга ажратасизларми?

— Ҳа, албатта. Масалан ўғирлик, қиссавурлик қилган болалар, адашиб қолган, уй-

дан қочган, саргузашт ишқи-бозларидан алоҳида қўйилди. Чунки уларнинг «қаҳрамонликлари» тенгдошлари томонидан тамоман бошқача қабул қилинади. Орасида ёлгонни дўндириб гапирадиганлари, соддалари ҳам бор-да. Шу йилнинг ўзида профилактик йўл билан 6 жиноятчи ўсмир ва 26 нафар бедарак йўқолган деб қидирилатган болалар топилган. Бундан ташқари 24 нафар ҳеч қаерда ишламайдиган, ўқимайдиганларга ишга жойлаштиришда ёрдам бердик.

Айтингчи, болалардан астойдил хафа бўлганмисиз?

— Ҳа, нега десангиз, биз уларга ишонамиз. Лекин айримлари Қозоғистонда яшаб туриб, Тожикистонданман, дейишади. Ёлгон манзилгоҳларини айтишади. Натижанда бир ходим оворая сарсон бўлади, давлат маблағи кўзга соврилади. Оворая сарсон деганимнинг бойси шундаки, саргузаштнинг қурбони бўлиб келиб қолган болаларнинг манзилгоҳлари аниқлашганиб: «Фарзандларингизни олиб кетинг», — деб хат йўлласак, улар бизга: «Йўл ҳақи қиммат, пулимиз йўқ, боролмаймиз», — деб жавоб ёзишади. Охири ўзимиз бирор ходимни ишдан кўйиб, болани ташлаб келишга жўнатамиз.

Уч ходимимиз Вильнос, Кўкчатов ва Иркутск шаҳарларига болаларни олиб кетишган. Ишқилиб болалар манзилгоҳларини нотўғри бериб алдаммаган бўлсинда, деб ташвишдаман. Ваҳоланки, шу йилнинг ўзида 40 нафар болакай бизни алдади. Биласизми, баъзан шунча йил ишлаб тажрибага эга бўлган ходимларимиз ҳам лаққа тушишади. Бу, албатта, ҳар кимнинг гапини келтиради. Аммо бола—бола-да.

Болалар орасида жиноятчиликнинг камайишига муассасангиз қандай ҳисса қўшмоқда?

— Ҳар бир ходимимиз, тарбиячиларимиз болалар уйига, мактабларга бириктирилган. Катта тарбиячи Б. Абдуллаев 10-болалар уйига, тарбиячи Н. Баратов 63-махсус мактабга, Р. Янбулатов 55-болалар уйига бириктирилган. Улар мунтазам у ерда бўлиб, турли суҳбатлар ўтказиб туришади. Мабодо уларга бириктирилган мактаблар, болалар уйдан бирор ўсмир милицияга тушса, ўша ходим жавоб беради.

Насриддин ака гапини тутатмасдан хонага навбатчи кириб, 1974 йилда туғилган Сирдарёлик Светлана Ф. ни олиб келишганини айтди. У тунги соат бир яримларда ички ишлар идораси ходимлари томонидан ушланибди.

Мана яна бир чалқаш тақдир келтирилди. Бир ой бу ерда бўлади. Кейинчи?

Навбатчи хонасида қизни қабул қилган капитан аёл билан суҳбатлашаман.

30 йилдан бери ички ишлар идораларида хизмат қилиб келаётган бу аёлнинг хушчақчақлигига ҳавасим келади. Етти фарзандни камолга етказиб, эркаклар билан бир сафда ишлаётган Зебиҳон опа Мансурова ҳар гал болалар келтирилганида, юраклари ачишиб кетишини айтади.

Албатта, боланинг кўнглини она билади-да. Зебиҳон опанинг болалар билан биргалиги менга озгина таскин беради.

Янги бино қурилиши мўлжалланган. Ҳадемай бошланар, — дейди Насриддин ака.

Менинг эса кўнглимдан бошқа фикр кечади. Болаларга янги қабулхона-тақсимоxonанинг нима кераги бор? Бу ҳашаматдаги бир ой ҳаёт ота-онаси, тенгқурлари билан беғубор осмон, оламни тутган қуёш нурлари остида, кўм-кўк майсалар, дов-даракларни кўриб ўтказган пахта уйидаги бир кунга тенг келармикан?!
Муҳаббат ИБРОҲИМОВА.



Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги кашшофлар ва ўқувчилар уйидаги наққошлик тўғараги доимо болалар билан гавжум. Улар кўп

вақтларини ёзги таътил кунлари ҳам шу ерда ўтказиб, сеҳрли ҳунар сирларини эгаллашади. Гўзалликка ошно тутини эса

эгри йўлга кириб кетишдан асрайди.
СУРАТДА: тўгарак раҳбари Боқижон Холматов шоғирдлари даврасида, Х. ШОДИЕВ олган сурат.

КАЙФИ УЧДИ

Ҳеч қаерда ишламайдиган Турғун ўзига ўхшаган бекорчи ўрғон Ином билан кунни қандай ўтказишни билмай зерикди.

— Э, оғайни, каллам қурсин, ахир, бугун онамнинг туғилган кун-ку. Юр уйга...

Улар йўлда Назирқулни ҳам эргаштиришди. Ўзлари билан олиб келган шишаларни ўртага қўйиб, баҳам кўришди. Уч азаматга камлик қилдими, яна иккита қўшишга келишилди.

Яхшигина маст бўлишиб, тунги соат ўн иккиларга яқин кўчага чиқиб кетдилар. Тоза ҳаво кайфимизни тарқатади, деган йигитларнинг нияти тўсатдан ўзгарди-қолди.

Жиззах шаҳар умумий овқатланиш идорасига қарашли «Гўзал» қаҳвахонаси ёнига келишгач, Ином деразадан ичкарига мўралади.

— Телевизор бор экан, магнитофон колонкаси кўришгити, демак магнитофони ҳам...

— Оғайнилар, бўш келманглар, уларни оламиз... Назирқул шундай дея де-

раза ойналарини синдира кетди. Ичкари кириб нарсаларни узата бошлади.

Магнитофон колонкаси ва автотрансформаторни Турғун, «Нота» магнитофонини Ином, «Рекорд-В-312» телевизорини Назирқул кўтарди. Бамайлихотир кетишаётганида рўпарадан милициянинг «Жигули» автомашинаси чиқиб қолди. Шоввозларнинг кайфи учиб, қўлларидаги орзумандаларини ташлаб қошишга тутиндилар. Шубхали шарпаларнинг югуришини пайқаган милиция ходимлари уларни таъқиб этиб, фурсат ўтмай ушладилар.

— Туғилмай мен ўлай. Эсимда ҳам йўқ эди туғилган куним. Ичинга-ку ичишди-я, қандай қилиб уйдан чиқиб кетишганини билмай қолибман. Ўғлим ҳали ёш. Бир адашдида, — деб қуйнади она.

Аммо жиноят содир этилди. Кўз ёшларининг фойдаси кеч энди

А. БОШМАНОВ,
милиция катта лейтенанти.

Жумҳурият йўлларида

ШАХСИЙ «НАМУНА»

ЁКИ РУЛДАГИ ШИША ШАЙДОЛАРИ

Катта тезликда бораётган машиналар оқими бир дақиқага бўлса ҳам тинмайди. Ҳайдовчи-ю, йўловчилар ўз манзиллари томон ошиқмоқдалар. Кимдир давлат юмуши билан, яна бошқаси эса ўз тирикчилиги билан банд. Улов қатновини эса йўл назорати инспектори тартибга солиб турибди. У ўтган-кетган машиналарни диққат билан кузатаркан, назари катта тезликда келаётган энгил машинага тушди. Ҳар аҳтимолга қарши текшириб кўриш лозим. У шундай ҳаёл билан Ҳайдовчига тўхташ ҳақида ишора қилди. Ҳа, инспекторнинг шубҳаланданича бор экан. Ҳайдовчига яқинлашганида, ундан қўланса, ҳид анқийганини сезди. — Хужжатларингиз, — деди инспектор ўзини таништиригач.

Ҳайдовчи талаб қилинган гувоҳномани милиция ходимига тутқазди. Бироқ ширакайф эканлигини инкор қилди. Тиббий кўрикдан ўтказилгандан сўнг ичкиликбоз Ҳайдовчи ер чизиб қолди...

Туман ИИБ давлат автомобиль назорати ходимлари деярли ҳар кун бундай воқеаларга дуч келишади. Тасодифан эмас, албатта. Тажриба ва маҳоратларига таянган ҳолда. Энг муҳими эса ҳар бир инспектор ўз постига серган туради. Айниқса, тажрибали йўл назорати ходимларимиздан Қ. Амиркулов, А. Шеров, А. Эшмуродов ва Э. Бердиевлар бу борада бошқаларга ўрнатилган кўрсаткичлар. Улар доимо атрофга «қуролланган кўз» билан қарайдилар. Шубҳали Ҳайдовчиларни тезда илғай оладилар. Дарвоқе, бизнинг инспекторларимиз «нишон»ига тушаётганлар кимлар ўзи?

Умуман айтганда, шу йилнинг ўтган беш ойи мобайнида 1423 нафар қонунбузар Ҳайдовчилар аниқланиб, тегишли чоралар кўрилган. Булар орасида тракторчилар, мотоциклчилар, қўйинги, барча улов воситаларининг эгалари бор. Уларнинг 45 нафари маст ҳолда машинанинг бошқариш чамбарагини тутган Ҳайдовчилардир. Ачинарли жойи шундаки, бу шахсларнинг кўпчилиги зиёлилар. Ҳозирги иқтисодий танг аҳволда қолган бир пайтимизда улар изланиш ўрнига қаерлардадир маишат қилиш билан овора. Дунёни сув босса, тўпикларига ҳам чиқмайди.

Боймурод Раҳмонов Бешкент шаҳридаги 16-хуна-техника билим юртининг муаллими. Ёшлар тақдири унга ишониб топширилган. Уқув даргоҳида илм-фандан, қолаверса, одобу ахлоқдан ваъзхонлик қилади. Ташқарида эса домланинг айтганини қилгин-у, қилганини қилма қабилади иш кўраркан. Йўқса, ўз шахсий автомашинасини маст ҳолда бошқарармиди? КПСС XXVI съезди номли давлат хўжалигининг бош агрономи Олим Норбеков ҳам «УАЗ-469» белгили 15-50.КФА рақамли давлат автомашинасида «40° тезликда» кетаётганида ДАН ходимлари томонидан тўхтатилган. Октябрь 60 йиллиги номли давлат хўжалиги автосаройи мудири Самад Яхшибоев ҳам қўл остидаги Ҳайдовчиларга бу борада шахсий «намуна» кўрсатди.

П. ТУРСУНОВ,
Қарши тумани ИИБ давлат автомобиль назорати бўлими башлиги милиция майори.



Жаркўрғон тумани ИИБ ДАНБ ходимлари йўллардаги кўнгилсизликлар олдин олиш мақсадида бор имкониятларини ишга солишмоқда. Милиция катта сержанти Болта Менглиев ўз касбининг жонкуярларидан бири. У мана ўн икки йилдирки, йўл посбони сифатида хизмат қилиб келмоқда.

СУРАТЛАРДА: йўл ҳаракати қондасини писанд қилмаслик оқибати; Б. Менглиев хизмат пайтида.

Ҳабибулла ШОДИЕВ олган сураглар.



ЮЛҒИЧЛАР УШЛАНДИ

Октябрь туманидаги Фахри кўчасида «ВАЗ-2121» белгили Д 3008 ТН рақамли автомашина Ҳайдовчиси М. Икромов жиноят устида қўлга туширилди. У А. исмли аёлнинг қимматбаҳо тақинчогини тортиб олган эди. ДАН ходимлари И. Алиев ва З. Нормуродовларнинг чаққон ҳаракатлари туфайлигина унинг кўзлатан мақсади амалга ошмади. Муқимий кўчаси бўйлаб хизмат вазирасини ўтаётган йўл назорати инспектори ми-

лиция старшинаси М. Мирозиқов ҳам тезкор ходимлардан экан. У номаълум шахс аёл кишининг сумкаси ва бўйнидаги қимматбаҳо занжирига ҳўжайин чиққани ҳақидаги хабарни эшитган заҳоти ёрдамга ошиқиб, текин ўлка шайдосини ушлагга улгурди. Зўравон Тошкент халқ хўжалиги олий билимгоҳининг талабаси Р. экан.

10 июнь куни давлат автомобиль назорати бошқармасига бир аёл келиб, насн

нотаниш кимса куч ишла-тиб, унинг қимматбаҳо тақинчогини тортиб олганини маълум қилди.

Милиция сержантлари К. Толипов ва Ш. Ҳоқимухамедовлар жабрланувчи билан тезда йўлга чиқдилар. Уларнинг аниқ ҳаракатлари туфайли Д. Гуломов ва Х. Жабборовлар қисқа вақт ичида тугтилди.

Энди тилла буюм шайдолари қонун олдида жавоб берадилар.

РАМЗИДДИН МУҲИДИНОВ,
Тошкент шаҳар ИИБ ДАНБ ходими милиция лейтенанти.



Яккабоғ тумани ИИБда эл ишига фидойилиги билан номи кўпчилик тилига тушган ходимлар кўп. Учатка вакили милиция лейтенанти Абди Туробов ҳалол хизмати билан шундай ҳурмат қозонган.

Ўз участкасида намунали ҳуқуқ-тартибот ўрнатиш учун

курашаётган милиция лейтенанти бунга эришиш йўлини билади. У кўпчилик кучига таянган ҳолда иш юритади.

СУРАТДА: участка вакили милиция лейтенанти Абди Туробов ёшлар даврасида.

Х. ШОДИЕВ олган сураг.

И С Н О Д

Ўзбекининг бир яхши одати бор: оилада турилган чақалоқ ўғил бола бўлса, тўй кўрадиган бўлдиқ, деб севилади. Кейин кийиниш, ейишичишдан тежаб, йиғинади. Ниҳоят, оғзи қулдоғига етиб, эл-юртга ош-нон тортади.

Бу удум фақат тўй эгаларигагина эмас, балки туғилганлар, ёр-дўстлар, маҳалла-қўйдагиларга ҳам тааллуқли. Агар тўй қилмоқчи бўлган одам ноёброқ бирор нарсани топишга қийналса, баҳоли қудрат ёрдам беришади.

Ана шу нуқта назардан қарайдиган бўлсан, Риштон туманидаги Даштпандигон қишлоғида кўз кўриб, қулоқ эшитмаган воқеа содир бўлди. Расулжон Ҳакимов ҳам ўғлининг «қўлини ҳалоллаб» олмоқчи, шу баҳона топган тугтанини кўпчилик олдига қўймоқчи эди. Тўй кунини белгилаш мақсадида бола-чақасини олиб, ота-онасиникига маслаҳатлашгани кетганиди. Қайтиб келиб, қай кўз билан кўрсинки, шодиёна кунда азият меҳмонларни кутамаган, деган мақсадда кечалари ухламай қуриб битказган уйи ёниб битганиди. Ҳайрат ва даҳшатдан серрайиб, тўлига калима келмай қолди.

— Бир нарсга ҳайронман, — деди у ИИБда. — Ҳайрли ишга қўш қанотини қоқди, деган гап бор эди. Лекин яхши ниятда олиб қўйган 30 шиша ароқ, кейин анча-мунча яхши қўйлақлар ҳам йўқолган.

ИИБ бошлигининг ўринбосари милиция майори Абдурматаллиб Қундузов раҳбарлигидаги оператив гуруҳга ёнгин сабаблари ва оқибатини ўрганиш, айбдорни топиш осон кечмади. Негаки, бу маҳалла янгилиги учун истиқомат қилувчилар ҳам чоратрофдан кўчиб келганлар, бир-бирларини ҳатто яхши танишмасди. Лекин қандай қилиб бўлсада, бу ишни очиб керак. Шундай қилинсагина, жабрдийда дардига малҳам қўйилади, қолаверса, нопок шахсларга сабоқ бўлади. 48 соатда гуруҳ раҳбари А.

Қундузов, ЖҚБ катта оператив милиция катта лейтенанти Х. Тошматов, оддий милиционер Э. Бобоевлар ана шу муваффақиятга эришдилар. Мана, жиноятнинг тафсилоти:

«Ленинизм» давлат хўжалигининг шу номдаги бўлими қорамолчилик фермаси емахашак цехи қоровули Назиржон Алиев 8 май кунини иш жойида қиттак отиб олди. Иштаҳаси баттар «карнай» бўлди. Қоровулликда тургани ҳам унутиб, уйига йўл олди. Кеча ичиб тугатилмаган «Жасорат»ни охиригача сиғирди. Нафс кўрғур ана қўймади. Нима қилиш керак? Соат эса тунги бирдан ошган. Ёдига Расулжоннинг икки кун олдин тўйга деб 30 шиша «Рус ароқи» олгани тушди. Келсакки, унинг уйида ҳеч ким йўқ. Қўча томонга ўрнатилган деразани очиб, ичкарига кирди ва топчада жилва қилиб турган «обизамзам»ни ўзи билан олиб келган қопга жойлади. Кейин қоровулхонасига келиб, бир шишасини «отди». Ҳўзур қилди. Узини шерден сезди. Томирларидан қон кўпирди. Биз оз ўзига келгач, ваҳимага тушди. Қандай қилиб бўлмасин, изни йўқотиш керак. Кўзи ташқарида турган соляркали идишга тушгач, кўнгли ёришиб кетди. Ундан бир челакни тўлатиб олдида, яна Расулжоннинг уйига йўл олди. Бояги жойдан ичкарига кирди. Олдинги сафар пайқаман экан, топчада болалар ва катталарнинг оёқ кийимлари, турли хил қўйлақлар, жами 270 сўмлик буюмлар бор экан. Ҳаммасини қўятиқлади ва гиламларга соляркани қўйиб, ўт ёқиб юборди.

— Сиз тўй қилмоқчи бўлган бир бечорага салкам уч миң сўмлик моддий зарар етказибсиз, — деди милиция майори қаршисида ўтирган айбдорга. — Бу иснод эмасми?

Кўзларини ерга қадаб ўтирган Назир Алиевдан сардо чиқмади.

ЭМИНЖОН ОБИДОВ,
милиция катта лейтенанти.

Ҳожатбарор ака-укалар

Ака-ука Карим ва Баҳодирларнинг ўйлаган режалари чиппака чиқди. Улар терговда акамиз Абдуманнон ўғил кўргани мунсабати билан сўраган эди, «Йўқ деёлмадик», дейишдан нарига ўтишмади. Аслида-чи?

Каримжон Бешариқ паррандачилик фабрикасида ишлар экан, бундан ўз мақсадлари йўлида фойдаланишга қарор қилди. Акаси Баҳодирга кечки иш сменасида 3-цех ёнида автомашинаси билан кутиши-

ни тайинлади. Тунги соат тўртларда айрилган жойда кутаётган машина юкхонасига 12 та товукни олиб чиқиб жойлади. Лекин навбатчилар ҳўшёрроқ чиқиб қолдилар. Жами 66 сўму 44 тийин бўлган товуклар фабрикага қайтарилди.

Фарғона вилояти Киров тумани халқ суди эса ака-ука Азимовларга тегишлича жазо тайинлаб, уларга яхшигина сабоқ берди.

М. ИВРОҲИМОВА.

«Висол»даги хунук учрашув

Тунда оназорнинг доду фарёидан бутун маҳалла оёққа турди. Нима гаплигини билшига ошиққан каттаю кичик шу бугун эрталаб уйига соғ-саломат кириб келган Ойбекнинг вафотини эшитиб, ҳайратдан ёқа ушлаб қолди. Ахир, армияда хизмат бурчини ўтаб қайтган аскарни кўргани киришганди-да... Боягина унинг қадди-бастига ҳавас билан қараган оналар, оталар, қўни-қўшинларнинг юраклари ачишиб кетди.

Ойбекни кўргани келган оғайнилари уни кўчага етаклашди. Биронта ақллидан: «Хой, нима қилипсизлар? Икки йил давомида ота-онаси, қариндош-уруғларини соғингандир, дийдорига тўйиб олсин. Қанча гап бўлса, шу ерда гаплашаверамиз»,— деган гап чиқмади. Уларку майли-я, аскарнинг ўзи: «Қариндошларнинг, қўни-қўшинларнинг кети узилмаяпти. Ахир, мени кўргани келишайтган экан, беодоблик бўлмасин, шу ерда ўтириб турай»,— деса бўларди.

Уйдагилар эса келди-кетди билан овора бўлиб, уларни шунчаки ташқарига чиқарди, деб ўйлашганди.

Йигитлар шаҳар айланишгач, «Висол» қаҳвахонасига киришди. Шампан ичиб ўтирган оғайнилари ёнидаги бўш жойга Алишер исмли йигит жойлашди. Бир зумда тил топшиб олдлар. Шампандан бошланган улфатчиликни ўткирроғи билан давом эттиришди. Афсуски, янги таниш ароқни хуш кўрмас экан, Ойбекнинг қўлини қайтарди. Бу солдатга ёқмади.

— Ҳей, оғайни, бунинг йигитларнинг хўрози ичади. Сенга ўхшаганлар хотинларнинг виносидан нарнга ўтмайди.

Дўстларининг вазиятини юмшатишга қилаётган ҳаракатларини парвосига келтирмасдан у яна авжга чиқарди. Алишер ташқарига йўл олди. Кетвормоқчи ҳам бўлди-ю, йигитлик «зурури орқасига қайтарди. Онасининг шаънига айтилган ҳақорат қонини қайнатарди. Жанжалдан хабар топган қаҳвахона ходимлари эса бироқ чора кўришни лозим топилмади. Уларга пул бўлса бўлди, ким кимни уради, сўқади, бу билан неча пуллик ишлари бор.

Кўзлар яна тўқнашди. Алишер орқасидан чиққан Ойбекка бир неча марта пичоқ урди. У типирчилай-типирчилай жим ётиб қолгач, ҳеч нарса бўлмагандай ичкани кириб жойига ўтирди.

Бир кечада ҳар икки йигитнинг ота-онаси сочларига оқ оралади.

Эндигина 18 ёшни қаршилаган Алишер З. УзССР ЖМнинг 81-моддасига асосан айбдор, деб топилди, 7 йилга озодликдан маҳрум этилди.

Холмуҳаммад МУЙДИНОВ.

Милиция капитани Оқилжон Пирматов ўз ишининг устаси. Унинг қўлидан ҳали биронта ҳам қонунбузар қочиб қутулолмаган. Вақт билан ҳисоблашмай ишлайди. Тонг отмасдан ишга жўнаб, хуфтонда уйига қайтади. Шахсий юмушлари учун йилда бир мартагина вақт ажрата олади, холос. Ҳаёт шу зайлда ўз изида кетаётган эди-ю, бироқ қутулмаган бир воқеа Оқилжоннинг барча режаларини чиппака чиқариб юборди. У бир жиноятчини қўлга олиш пайтида жиддий тан жароҳати олганди. Бир мунча вақт касалхонада дავоланди ҳам. Соғайиб чиққан биринчи куниде бошлиқ уни ўз ҳузурига қақиртирди. Барча машашалар, Оқилжон тили билан айтганда, адолатсизликлар мана шу ердан бошланди.

— Бир маҳал Оқилжон асабийлашган ҳолда бошлиқ ҳузуридан ўқдек отилиб чиқди. Унинг рангги қув ўчган, асабидан оёқ-қўллари қақтирарди.

— Нима гап?— сўради ундан навбатда турганлардан бири.

— Мени бугундан меҳнат таътилига чиқарди.

— Жуда яхши бўлибдику.

— Бошлиқ менга тайёргарлигини кўр, шу ҳафта ичида кетасан, деяпти. Ишим чатоқ.

— Қайси ишинг чатоқ? Қеёққа жўнатишаркан?

— Ҳамма хавотир аралаш Оқилжонга қаради. Бироқ у ҳеч нарса демей қўлини силтадида, тез-тез юриб ташқарига чиқиб кетди.

Орадан беш кун вақт ўтди. Оқилжон қаёққадир ғойиб бўлган. Бир неча бор унинг уйига қидириб ҳам боришди. Хотини ҳам мум тишлагандай ҳеч нарса айтмайди. Охири бошлиқ бир участка вакилига Оқилжонни қандай бўлмасин шу бугуноқ ушлаб келиш ҳақида топшириқ берди. Ёрдамчи куч сифатида эса машина ва икки

ЯРМИ ҲАЗИЛ, ЯРМИ ЧИН.

милиционер ҳам ажратди.

— Ҳа, айтганча, Пирматов иморат қуришни бошлаган экан. Уша жойда яширинча пойлоқчилик қилинганлар. У узокка кета олмайдми,— қўшимча қилди бошлиқ.

Ярим кеча. Оқилжон девор оша ҳовлисига тушдида, товуш чиқармай бориб, чала участкаси ичига яшириниб олди. Бироз нафасини ростлагач, атрофини кузата бошлади. Ҳамма ёқ тинч. Кейин у болалари ўтирган уйга яқинлашди. Уч-тўрт марта деразани чертиб, пафт овозда хотинини қақирди.

— Онаси, ҳов онаси.

— Ҳозир.

Хотини айвонга чиқиб чирокни ёқди. Оқилжон эса зудлик билан ўзини панага олди.

— Эй, каллаварам, ўчир! Бечора аёл ҳам атрофга олазарак қараганча дарҳол чирокни ўчирди.

— Қидириб келишмадимми?— сўради у хотинидан бостириб кийиб олган шляпасини ечатириб.

— Во-ой, икки марта келишди. Биринчи бор уч киши, кейин эса анови полковникнинглар борку...

— Начальникми?

— Ҳа, ўша.

— Нима деди?

— У бироз ҳовлини айланди. Кейин бўлса иморатни кўздан кечира туриб: «Бир ўзи кўрганми?»— деди.

— Сенчи?

— Ҳа, дедим.

— Расво. Кейинчи?

— Яхшиликча ўз ихтиёрингиз билан борар экансиз, бўлмасан...

— Чучварани хом санабди.

Мен унга ҳаммасини рўйи-рост

ЎЗБЕКНИНГ ИШИ

айтганман. Лекин тушунишни хоҳламади.

— Қўйинг дадаси, ундай қилманг. Барибир тутиб олишади. Яхшиси бора қолинг. Уғлимиз ҳам катта бўлиб қолди, йўқлигингизни билдирмай...

— Ундай дема, онаси. Яна икки кун қўлга тушмай турсам бас, марра меники. Ана ундан кейин мен...

У гапини тугатиб улгурмаган эди ҳамки, кўча эшик олдида бир машина келиб тўхтади. Оқилжон қараса, уч милиционер машинадан тушиб ҳовли томон келяпти. У зудлик билан ўзини чала битган иморати ичига олди. Таъқиб қилувчи участка вакили Солиев бўш келмай ўзини Оқилжоннинг устига олди. Икки милиционер ҳам ҳозир у нозир бўлди. Қаршилиқ кўрсатиш бефойда эканлигини сезган Пирматов ўзи эшитавериб қулоқлари ўрганиб кетган қонунбузарларнинг гапини такрорлай бошлади.

— Мени қўйиб юборинглар, илтимос.

— Йўқ, хизматчиликда бунақаси кетмайди,— деди участка вакили Солиев Оқилжонга одат бўлиб қолган сўзни жўрттага қайтариб.

— Ҳамкасблиқ ҳурмати шу бўлди, ҳали?

— Эсингиздами, мен энди гина ишга келган пайтимда нималар дегандингиз?

— Қўй, ҳозирча уларни унут.

— Йўқ. Мен шахсан бошлиқнинг буйруғини бажараяпман.

Қолаверса ўзингиз қочиб кетолмадингиз.

— Усталиқ қилиб қолдинг-да, бўлмасан...

— Ўзингизнинг услубингизни кўлладингиз.

Солиев шундай дея Оқилжонга мағрур қараб қўйди ва:

«Ўзингизга, ҳеч бўлмаса болаларингизга раҳмингиз келсин. Ҳали уларга керак бўласиз»,— деди. Сўнгра ғолибона оҳангда бошлиққа рация орқали ахборот бера бошлади.

— Уртоқ полковник, милиция капитани Оқилжон Пирматов қўлга олинди.

— Яхши, ташаккур,— деди бошлиқ.— Зудлик билан қўналгага етказиб боринолар. Ҳозир керакли хўжакларни олиб боришади. Ўзингиз уни биринчи рейсдаги самолётга ўтқизиб юборинг. Эҳтиёт чораларини кўринг, яна қочиб кетмасин. Ҳа, иссиқ кийимларини олишни унутманг.

— Ҳўп бўлади, бажарамиз.

Дам ўтмай ташвишли чироқлари ва овози маҳаллани тутган машина қўналга томон елиб кетди. Оқилжоннинг олти нафар фарзандлари эса унинг ортидан қўл силтаганча қолавериди.

Милиция капитани Пирматовнинг хотини ҳаяжонлангандан ўзига-ўзи гапирар эди. «Ажаб бўлди, хўп бўлди. Айтган эдим-а, бандитлар билан мушталашаверманг, деб. Мана оқибати». Шу пайт уч яшарли қизи Сурайё сўради.

— Ойижон, дадамни қаёққа олиб кетишди?

— Санаторийга, мажбурий дэм олишга.

Буни эшитиб турган катта ўғли эндигина сабза ура бошлаган мўйлабларини силаганча жигибийрон бўлиб дўрилдоқ овозда деди:

— Бунақада иморатни қачон битказамиз?

— Дадангнинг кейинги меҳнат таътилида.

Ҳа, ўзбекнинг иши курсин. Одамни не қўйларга салади.

Исмоил МИНАВВАРОВ.



ЭШИТМАДИМ ДЕМАНГЛАР!

Озодликка лаҳм орқали

муқаддам бир неча мартадан судланишган.


Қаттиқ режимида колониядан қочиб — фавқулодда воқеа,— деб ёзади рўнома.— Ҳуқуқ-тартибот ходимларининг айтишича, у ердан жуфтлак ростлашнинг мутлақо илложи йўқ эмиш.

Бироқ ишончга путур етди.

Бу нимани кўрсатади? Хизмат вазифасига совуқонликни ёки биз ҳатто калавасининг учини ҳақида тахмин ҳам қила олмайдиган ҳолатми?

«Криминальная хроника» рўномасидан.

«Қорадори-91»



Урганч тумани ИИБ ходимлари «Қорадори-91» талбири давомида қўшлаб «Ўқунори севар»лар режасини чиппанжа чиқаришга эришмоқдалар. Жумладан, Наримонов номли жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи Мамат Жуманов шахсий томорқасидаги 171 квадрат метр жойга ана шундай ўсимлик эканини аниқладилар ва йўқ қилдилар. Бу иш юзасидан тергов олиб боришмоқда.

СУРАТЛАРДА: катта участка вакили милиция майори Хожимқурбон Пуллошев, Киров кишлоқ Кенгаши раиси Матрасул Машарипов, ЖКБ катта опервакили милиция капитани Комилжон Юсупов ва ИИБ бошлиғи ўринбосари милиция майори Бахтиёр Жумановлар навбатдаги рейдга чиқиб олдилар; Мамат Жумановнинг томорқасидан топилган ва йўқ қилинган ўқунори тушлари дан намуналар.

Саъдулла БОБОЕВ олган суратлар.

ЭГРИ ИШ — КЕЛТИРАР ТАШВИШ

Дунёда пул топишнинг турли йўллари бор. Баъзилар пешона тер тўкиб, йиққан пулни режалаштириб, еб-ичиб, кийиниб хотиржам яшаса, айримлар шайтонни ўзига ойна қилиб, қисқа вақт ичида кўп топши ҳаракатида беш қўлини оғзига тикади.

1963 йилда туғилган Ольга Жукова Чирчиқ шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли 16-болалар боғчасида хўжалик ишлари бўйича мудир бўлиб тушпа-тузук ишлардан эди. Олган маошига

ЖАЗО

ТОПИШНИНГ ЙЎЛИ

балоғатга етмаган икки фарзандини боқиб, тарбиялаб келаятганди. Шу йилнинг 24 февраль кун «шайтон»нинг гапига кирди-ю, ўз хотиржамлигини бузди-қўйди.

Жамғарган пулга тижорат дўконидан Хитойда ва Ҳиндистонда ишлаган аёллар жемперини харид қилиб, якшанба кун бозорга йўл солди. У ерда нархи 200 сўмлик жемпернинг бирини 260 сўмга, 100 сўмлигини 170 сўмга пуллади. Ҳар бир қутисини 60 тийиндан олган «Довен» сигаретларини бир ярим сўмдан пуллаётганида шаҳар ИИБ БХСС ходимлари томонидан ушланди.

Шаҳар халқ суди Ольга Жукованинг чайқовчилик фаолиятини кўриб чиқиб, 5000 сўм жарима тўлашга ҳукм чиқарди.

М. ҲАКИМОВ.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700029, Тошкент, Лопатин кўчаси, 1.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриятининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Телефонлар: Муҳаррир, муҳаррир ўринбосари — 39-77-23, 37-23, 46-56 (ички).

«ПОСТДА» — («НА ПОСТУ») Орган коллегияси МВД УЗССР

Муҳаррир Зокир ОТАЕВ.